Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

4 декабрь 1984 йил ● № 231 (8471). СЕШАНБА Баҳоси 3 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1 декабрда Тошкент область партия комитетининг VI пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1984 йил) Пленуми якунлари ҳамда область партия ташкилотининг мелиорациялаш, суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг узоқ муддатли программасини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни бажариш соҳасидаги вазифалари» тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Бу масала юзасидан Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаҳонов доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Паркент район партия комитетининг биринчи секретари А. П. Алимов, «Бўка» совхози бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. А. Ковалёва, Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари К. Б. Мамедов, Бекобод район ижроия комитети раиси З. Қ. Қодиров, Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари Л. Ш. Алиқулова, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи М. Т. Турсунов, Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоз директори А. Е. Бакиров, «Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармаси бошлиғи А. И. Филиппов ўртоқлар қатнашдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Пленум Тошкент область халқ контроли комитети раиси Б. С. Камоловни Тошкент область партия комитети бюроси аъзолигига кандидат этиб сайлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сув хўжалиги бўлими мудирининг ўринбосари К. К. Халимбетов, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри А. А. Уркинбоев ўртоқлар иштирок этдилар.

Тошкент, 3 декабрь. Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси. ЎзТАГ фотоси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

3 декабрь куни Тошкентда ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси бўлди.

Олий Советнинг мажлиси эрталаб соат 10 да бошланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари **И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Миҳайлов, М. М. Мусаҳонов, Т. Н. Осетров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, В. А. Головин, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, В. А. Хайдуров,** республика Олий Совети Президиуми ва ҳукуматининг аъзолари ҳукумат ложаларидан ўрин оладилар.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **Э. Ю. Юсупов** очди.

Сессия қатнашчилари Олий Советнинг вафот этган депутатлари Н. Азимов, С. М. Маҳмудов хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Мандат комиссиясининг раиси депутат **З. Исроилова** шу комиссия номидан доклад қилди. Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Советига 133-Чинобод сайлов округидан сайланган депутат **З. Ҳайдаровнинг**, 204-Жиззах сайлов округидан сайланган депутат **Ҳ. Екубжонованинг**, 244-Майманак сайлов округидан сайланган депутат **М. Ф. Солдатовнинг**, 347-Ургут сайлов округидан сайланган депутат **В. Г. Кретовнинг**, 448-Яйпан сайлов округидан сайланган депутат **П. Нўъмоновнинг** ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида мандат комиссиясининг доклади юзасидан қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **И. Б. Усмонхўжаев**нинг таклифига биноан Олий Совет Президиумининг депутат **Ғ. Ҳ. Қодировни** Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлаш ва Н. Ж. Худойбердиевни шу вазифадан озод қилиш тўғрисидаги Фармонлари бир овоздан тасдиқланади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Ғ. Ҳ. Қодиров** ишонч билдирилганлиги учун Олий Советга самимий миннатдорчилик изҳор этиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика олдида турган социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли равишда амалга ошириш учун бутун кучини сарфлайди деб ишонтирди.

Сессиянинг қуйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқланади:

1. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани бажарилиши ҳақида.

2. Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети ижроси ҳақида.

3. КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси қарорлари асосида 1984—1990 йилларда Ўзбекистон ССРда умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг комплекс плани ҳақида.

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани бажарилиши ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **Қ. А. Аҳмедов** доклад қилди.

Ўзбекистон ССР молия министри депутат **И. А. Каримов** Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети ижроси ҳақида доклад қилди.

Ўзбекистон ССР План-бюджет комиссиясининг раиси депутат **И. Қ. Ҳуснутдинов** План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялар номидан қўшимча доклад қилди.

Кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар юзасидан музокараларда қуйидаги депутатлар сўзга чиқдилар: **А. А. Юриц** (497-Тўрткўл шаҳар сайлов округи), **Т. Қосимова** (88-Новая жизнь сайлов округи), **Г. Н. Васильев** (45-Тўқимачилик сайлов округи), **А. Рустамов** (454-Мулкобод сайлов округи), **А. С. Воеков** (288-Олмос сайлов округи), **С. Ю. Отахонов** (389-Пахтаобод сайлов округи), **Б. Д. Истамова** (168-Тўқимачилик сайлов округи), **М. Ф. Солдатов** (244-Майманак сайлов округи), **Л. П. Крахмалева** (321-Комбинат сайлов округи), **К. Сапаев** (461-Боғот сайлов округи), **В. И. Поветко** (123-Панфилов сайлов округи), **Ч. Алматов** (369-Қумқўрғон сайлов округи), **И. Н. Охунова** (216-Мирзачўл сайлов округи), **У. Асатов** (170-Коғон сайлов округи).

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани бажарилиши ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат Қ. А. Аҳмедов якунловчи нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети ижроси ҳақидаги масала юзасидан Ўзбекистон ССР молия министри депутат И. А. Каримов якунловчи нутқ сўзлади.

Олий Совет План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссияларнинг тузатишларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги Давлат плани тўғрисидаги қонунни, шунингдек Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани бажарилиши ҳақидаги қарорни бир овоздан қабул қилди.

План-бюджет ва бошқа доимий комиссияларнинг тузатишлари ҳисобга олиниб, Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги қонун ва Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети ижроси ҳақидаги қарор бир овоздан қабул қилинади.

Олий Совет КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси қарорлари асосида 1984—1990 йилларда Ўзбекистон ССРда умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг комплекс плани тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат **Г. Қ. Ҳайдарова** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида доклад қилди.

Олий Совет қонунлар ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида қарорлар қабул этди.

Депутат Ғ. Ҳ. Қодиров Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинланганлиги муносабати билан Олий Совет уни Энергетика комиссиясининг раиси вазифасидан озод қилди.

Шу билан ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси ўз ишини тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси навбатдаги мажлисида Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари асосида меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш учун уларнинг масъулиятини ошириш соҳасида олиб бораётган иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Марказий Комитет бюроси кадрлар билан ишлашдаги жиддий нуқсонларга коллегиянинг ва шахсан раис ўртоқ Т. Боймировнинг эътиборини жалб қилди. Идора коллегияси ва партия бюросига партия, давлат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, топширилган иш учун раҳбарларда юксак масъулият туйғусини тарбиялаш юзасидан зарур чораларни кўриш топширилди. Ходимларни лавозимларга кўтариш чоғида уларнинг ғоявий-сиёсий савиясини, профессионал билимларини, улар тўғрисида бошланғич партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг фикрини тўлиқроқ ҳисобга олиш лозим.

Тармоқдаги қурилишларнинг, саноат бирлашмаларининг, автотранспорт корхоналарининг партия ташкилотларига барча раҳбар коммунистларнинг кундалик сиёсий-тарбиявий ишда актив қатнашишларини таъминлаш, маъмуриятни контрол қилувчи комиссияларнинг, халқ контроли группаларининг фаолиятини доимо диққат марказида тутиш топшириғи берилди.

Қорақалпоғистон область партия ташкилотида меҳнаткашларнинг хатлари ва оғзаки мурожаатлари билан ишлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Область партия комитетига гражданларнинг хатлари, аризалари ва мурожаатлари билан ишлашни яхшилаш ҳамда такомиллаштиришга доир партия қарорларининг қатъий ва сўзсиз ижро этилиши учун партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш, хатлар, аризалар ва мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан доимий контроллик қилиб туриш, белгиланган тартибни бузувчи, сансалорликка йўл қўювчи, меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларига бюрократларча юзаки муносабатда бўлувчи мансабдор шахсларга принципиал баҳо бериш таклиф қилинди. Ана шу масалаларни партия комитетларида, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларида, хўжалик ва жамоат ташкилотларида, кенгашлар, семинарларда мунтазам суратда кўриб чиқиш тавсия этилди.

Тошкент шаҳридаги Тикувчилар маданият саройига Индира Гандининг номини бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлисида республика ҳаётига доир бошқа бир қанча масалалар кўриб чиқилди ва улар юзасидан қарорлар қабул этилди.

Суҳбат бўлиб ўтди

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев АҚШ савдо-саноат доираларининг таниқли намояндаси, Америка — Совет савдо-иқтисодий кенгашининг ҳамраиси, «АДМ» фирмаси директорлар кенгашининг раиси Д. Аудреасни 3 декабрда қабул қилди.

Суҳбат чоғида СССР билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳолати ва истиқболларига ҳамда иккала мамлакатнинг савдо-сотиқ алоқаларида Америка — Совет савдо-иқтисодий кенгашининг ролига таллуқли масалалар тилга олинди.

(ТАСС).

А. А. ГРОМИКО БЕРЛИНДАГИ МАЖЛИСГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг мажлисида қатнашиш учун 3 декабрь куни Москвадан Берлинга жўнаб кетди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Совети Раиси В. И. Воротников, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Берлиндаги аэродромда Громикони ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер кутиб олди.

(ТАСС).

МАЛЬТА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ МИНИСТРИ ДОМИНИК МИНТОФФНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Мальта Республикасининг Бош министри Доминик Минтофф Совет ҳукуматининг таклифига биноан шу йил декабрь ойининг иккинчи ярмида расмий визит билан Совет Иттифоқига келади.



ҚАҲРАМОН КОСМОНАВТНИНГ БРОНЗА БЮСТИ ОЧИЛДИ

2 декабрь куни Ўзбекистон пойтахтида икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Владимир Александрович Жонибековнинг бронза бюстини очиш тантанали маросими бўлди. У космик учишларни бажариш чоғида кўрсатган жасорати ва мардлиги учун шундай шарафга сазовор бўлди. Шаҳар марказида совет космонавтлари шарафига улар номи билан аталган янги майдонда кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Митингни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев митинг аҳлининг қарсаклари остида лентани қирқади. Чойшаб туширилади. Шу ерга йиғилган кишиларнинг кўз ўнгида машҳур юртдошимизнинг мармар супага ўрнатилган бронза бюсти намоён бўлади (автор — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ҳайкалтарош Я. И. Шапиро).

Митингда сўзга чиққан кишилар пойтахт областининг Бўстонлиқ районидаги Искандар посёлкасида туғилиб, Тошкентдаги 50-ўрта мактабни тамомлаган космонавт-учувчи В. А. Жонибековнинг жасорати тўғрисида зўр ифтихор ва самимият билан гапирдилар. Нотиқлар у ёшлик йилларида Ўзбекистонда олган билими ва чиниқиши космонавтга Коммунистик партия ҳамда Совет ҳукуматининг масъулиятли топшириқларини шараф билан бажаришида ёрдам берганлигини қайд этиб ўтдилар. Космосни тўрт марта штурм этган, икки халқаро космик экспедицияга бошчилик қилган коинотнинг мард забткори республиканинг меҳнат коллективлари билан доимо алоқа боғлаб турибди.

Митингда юртдош космонавтнинг бронза бюсти Тошкентда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда ўрнатилганлиги таъкидлаб ўтилди. В. А. Жонибеков кўрсатган жасорат ҳамиша совет Ватанига хизмат қилиш намунаси бўлиб қолади.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

А. Абалян фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Ташқи ишлар доимий комиссиясининг 3 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида ўқув юртларининг чет эл студентлари ва ўқувчиларига зарур социал-маиший шароитларни яратиш соҳасидаги иши муҳокама қилинди. Мажлис комиссия раиси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева раислигида ўтди.

Чет эллик студентларга таълим ва тарбия беришга, одатда энг тажрибали профессор ва ўқитувчилар жалб этилиши таъкидлаб ўтилди. Ўқув планлари ва программалари такомиллаштирилмоқда, ўқув юртларининг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланмоқда. Шу билан бирга депутатлардан Р. Я. Михайлюк, С. Тоҳирова, С. А. Нишонов, С. П. Пўлатов, П. К. Қаюмов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ректори С. И. Искандаровлар чет эллик студентлар билан ишлашда камчиликлар борлигини уқтириб ўтдилар. Таълим-тарбия жараёнини муваффақиятли ўтказиш учун ҳамма жойда ҳам зарур шарт-шароитлар яратилган эмас. Баъзи ётоқхоналар анжом, мебель билан тўла-тўкис таъминланмаган.

Комиссия Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига чет эллик студентлар ва ўқувчилар ўртасида таълим-тарбия, маданий-оммавий ишни такомиллаштириш, чет элликларни совет воқелиги билан ҳар томонлама таништириш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга оширишни тавсия қилди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИНИНГ КЎКДАЛА РАЙОНИНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Халқ депутатлари Қашқадарё область Совети ижроия комитетининг илтимосномаси қондирилсин — Кўкдала райони тугатилиб, унинг территорияси Чироқчи районига ўтказилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1984 йил 2 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРнИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1985 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССРнИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1984 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ БАЖАРИЛИШИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат Қ. А. АҲМЕДОВ доклади

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Бу галги сессия КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ва СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг экономикани ва меҳнаткашлар фаровонлигини янада юксалтириш юзасидан яқинда қабул қилган қарорлари туфайли совет халқининг ғайрат-шижоати ва сиёсий активлиги жўш урган вазиятда, мамлакатимиз ўн биринчи беш йилликнинг тугалловчи йилига, КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўриладиган йилга қадам қўйишга ҳозирлик кўраётган бир пайтда ўтмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида сўзлаган нутқида хўжалик қурилишидаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил этди, ишни яхшилашда, иқтисодий ўсишни жадаллаштиришда эришилган ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ва кучайтириш соҳасида конкрет вазифалар қўйди.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари ҳам жамиятимизни коммунистик бунёдкорлик йўлидан муттасил олға силжитишни, халқнинг турмуш даражасини узлуксиз оширишни таъминлаб келаётган партиянинг ички ва ташқи сиёсатини астойдил маъқуллаб, қўллаб-қувватлашмоқдалар.

1985 йилда республикамиз олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ва шундан кейинги пленумларида атрофлича, чуқур таҳрифлаб берилди, республика партия, совет ва хўжалик органлари, барча меҳнатчилари ўз куч-ғайратларини мана шу вазифаларни бажаришга сарфламоқдалар. Сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги давлат плани лойиҳаси шу вазифаларни муваффақиятли бажариш мақсадини кўзлайди. План лойиҳаси беш йиллик план топшириқларига мувофиқ тайёрланган бўлиб, партия XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари бажарилишини таъминлайди.

Лойиҳани тайёрлаш соҳасидаги бутун иш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг принципиал талаблари асосида олиб борилди ва халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги ишни тубдан яхшилаш учун мавжуд бўлган резервлар ҳамда имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ўстириш ва унинг самарадорлигини ошириш суръатларини жадаллаштириш, экономикани узлуксиз ривожлантириш ва аҳолининг фаровонлигини юксалтириш назарда тутилди.

Плани тайёрлашда 1984 йилнинг кутилаётган якунларни ва умуман беш йилликнинг ўтган давридаги якунлари, министрликлар ва идораларнинг, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг таклифлари, депутатларнинг наказлари эътиборга олинди.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг жуда катта ёрдами, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, жойлардаги партия ва совет органларининг кундалик иши туфайли республика меҳнаткаллари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда катта ижобий силжишларга эришдилар.

Кўрилган тадбирий чоралар натижасида саноатдаги қувватлардан фойдаланиш анча яхшиланди, ишлаб турган корхоналарда фондларнинг самарадорлиги даражаси бултургига нисбатан ошди. Ҳар бир сўмлик маҳсулот ҳисобига қилинадиган моддий чиқимларни бирмунча камайтиришга эришилди.

Пахтачиликда ҳамда деҳқончилик ва чорачиликнинг бошқа тармоқларида сифат силжишлари таъминланди. Пахта толаси ажратиб олиш кейинги йилларда биринчи марта планда белгиланганидан анча ошди.

Капитал қурилишда маблағларнинг самарадорлиги ўсди. Маблағлар ва қувватлар ишга туширилган энг муҳим объектларга марказлаштирилиши натижасида чала қолган қурилиш улуши камайди. Қораланган плансиз қурилиш практикасига амалда чек қўйилди.

Давлат, план ва меҳнат интизоми мустаҳкамланганлиги, йўл қўйиб келинган салбий ҳодисалар ва социалистик хўжалик юритиш нормаларини бузиш ҳоллари тугатилганлиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларини амалга оширишнинг халқ хўжалиги соҳасидаги энг муҳим натижаси бўлди. Молиявий фаолиятда, ҳисоб-китоб ва ҳисобот системасида дуруст тартиб ўрнатилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси республика халқ хўжалигини муттасил янада ривожлантиришни ва аҳолининг турмуш даражасини оширишни таъминлади.

Иқтисодий ўсишнинг якунлари миллий даромаднинг кўпайишида лўнда тарзда ифодаланади. Бу йил миллий даромад ҳажми 5,1 процент кўпайиб, 19,2 миллиард сўмга етади. Шунинг бешдан тўрт қисми халқ фаровонлигини яхшилашга ишлатилади.

Саноатни ривожлантириш плани ошириб бажарилади, саноат маҳсулоти ҳажми 21,2 миллиард сўмликдан ошиб кетади. Техникавий жиҳатдан илғор тармоқларни жадал ривожлантириш ҳисобига саноатнинг тармоқ структураси анчагина яхшиланди.

Халқ учун моллар ишлаб чиқариш билан алоқадор тармоқлар илдам суръатлар билан ривожлантирилди, бундай моллар ишлаб чиқариш бир йил ичида қарийб ярим миллиард сўмлик ёки 5,4 процент кўпайди, умуман 4 йил ичида эса топшириқдан ташқари 1 миллиард 347 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Қишлоқ меҳнатчилари ноқулай об-ҳаво шароитларининг оқибатларини бартараф этиб, дуруст ҳосил етиштирдилар. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 7,4 миллиард сўмликни ташкил этади ва 1983 йилга нисбатан 1,2 процент кўпаяди.

Пахтакорлар мураккаб шароитда салкам 5 миллион 300 минг тонна пахта етиштириб давлатга топширдилар. Планларни ва социалистик мажбуриятларни тўла-тўкис ҳамда ошириб бажарган Фарғона, Тошкент, Наманган ва Андижон областларидаги 53 район ва юзлаб хўжаликларнинг меҳнатчилари қаҳрамонона меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм областлари планни бажарай деб турибдилар. Ингичка толали пахта тайёрлаш плани ошириб бажарилди, давлатга 440 минг тонна ипак пахта топширилди.

Андижон, Наманган, Сурхондарё ва Тошкент областларининг ғаллакорлари катта муваффақиятларга эришиб, давлатга дон сотиш планини бажардилар. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида шоли ҳосилини ўриб олиш ва тайёрлашни ниҳоясига етказиш учун қизғин иш олиб борилмоқда.

Сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, пилла, жун ва қоракўл тери харид қилиш планлари тўла ва ошириб бажарилди. Шу туфайли Умумиттифоқ фондига маҳсулот етказиб бериш топшириғи анча ортиғи билан бажарилди. Қардош иттифоқдош республикаларнинг меҳнаткашларига 1 миллион 100 минг тонна сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва узум жўнатилди.

Колхоз ва совхозлар нузги-қишки ишларни ва чорва қишловини ўтказишга ҳамда уюшқоқлик билан киришдилар. Чорва туёғини сақлаб қолиш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришга 1984 йилда 7,1 миллиард сўм сарф қилинди. 6,8 миллиард сўмлик ёки бултургидан 13 процент кўп асосий фондлар ишга туширилди.

Социал ривожланиш программаси изчиллик билан амалга оширилмоқда. Аҳолиҳон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 2,7 процент ортди. Чакана товар оборoти 5,2 процент, маиший хизмат кўрсатиш 8,9 процент кўпаяди. Жами саҳни 6,8 миллион квадрат метр уйжой, 132 минг ўринли мактаблар, 44,4 минг ўринли мактабгача тарбия муассасари, кўпгина соғлиқни сақлаш, маданият ва маиший хизмат объектлари ишга туширилади.

Яқин кунларда Тошкент метрополитенининг иккинчи линияси — «Навоий» станциясидан «Тошкент» станциясигача ишга туширилади.

1984 йилда қилинган ишлар умуман беш йилликнинг 4 йили мобайнида экономикани ўстиришга муайян даражада кўмаклашади. Шу даврда ялпи ижтимоий маҳсулот 18,8 процент ортди ва 40,6 миллиард сўмликдан ошиб кетади, миллий даромад эса 18,8 процент кўпайиб, 19,2 миллиард сўмликни ташкил этади.

Республиканинг меҳнат коллективлари партия ташкилотлари раҳбарлигида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларидан тўғри хулосалар чиқариб олиб, ўз ишларини актив қайта қурмоқдалар ҳамда планларни бажаришда ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашда катта натижаларга эришдилар.

Шу билан халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида ҳали бир талай камчиликлар ва ҳал этилмаган вазифалар, фойдаланилмай ётган резервлар бор, планларнинг бажарилмаслигига йўл қўйилмоқда. Айрим министрлик ва идораларнинг, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг раҳбарлари ишларни тубдан яхшилаш ўрнига ишлаб чиқариш топшириқларини бажарилмаётганлигини турли сабаблар билан оқлашга уринмоқдалар, планларни камайтириш ва уларга тузатиш киритишга эришишга интилмоқдалар.

Айрим корхоналар ва бутун-бутун тармоқларнинг орқада қолаётганлиги фактлари шундай практиканинг конкрет ифодасидир. Натижада йилнинг ўтган даври ичида саноатнинг ўсиш суръатлари йиллик пландаги 5,4 процент ўрнига атиги 3,1 процентни ташкил этди. 200 тадан кўпроқ корхона планни уддалай олмади, ҳар уч корхонанинг бири тузилган шартномаларга нисбатан қарийб 460 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб берди. Асосан Узглавхлопкопром, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги, Қурилиш министрлиги ва бошқа баъзи министрликларнинг айби билан шундай бўлди. Мазкур министрликларнинг раҳбарлари А. А. Уркинбоев, Н. Д. Ўрунов, Р. А. Абдуллаев, М. Й. Йўлдошев, Ф. Г. Потуремский ўртоқлар планларни сўзсиз бажарилиши юзасидан тегишли чораларни кўрмадилар.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш суръатларни жадаллаштиришнинг катта резервидир. Деворбоп материаллар, фосфат ўғит, дераза ойнаси, ип газлама, синтетик ювиш воситалари, ўсимлик ёғи, гилам ва шу кабиларни ишлаб чиқариш қувватларидан бор йўғи 60—75 процент фойдаланилди. Бу қувватлар иш билан тўла-тўкис таъминланган тақдирда 22 асосий министрликдагина салкам 700 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот олиш мумкин бўлур эди.

Бир қанча министрликларда ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш, корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш масалалари суст ҳал этилмоқда, Бу эса кўпинча план барбод бўлаётганлигининг сабаби қилиб кўрсатилмоқда. Бинокорлик материаллари саноати министрлигидаги ишларнинг аҳволи мана шундай: 4 йил ичида 1 миллион тоннадан кўпроқ цемент, 822 миллионта ғишт, 53 миллионта тахта-шифер, 2 миллион квадрат метрга яқин ойна кам ишлаб чиқарилди. Натижада ишлаб чиқаришнинг ўсиши шу йилларда беш йиллик пландаги 22 процент ўрнига 21,5 процентни ташкил қилди.

Министр ўртоқ Г. Г. Исаев бу камчиликни капитал маблағ етишмаслиги билан изоҳлайдилар, ҳолбуки, 4 йил мобайнида министрликда 178 миллион сўмликдан кўпроқ, яъни беш йиллик планда кўзда тутилганидан 1,7 баравар кўп маблағ ажратилди. Бироқ шу маблағнинг 11 миллион сўмга яқини ўзлаштирилгани йўқ. Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигининг, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг бир қанча корхоналарида, республика қурилиш индустриясида ҳам шундай аҳвол вужудга келган.

Қишлоқ хўжалигида каттакатта камчиликлар бор. Ҳамма имкониятлар бўлишига қарамай, пахтачиликни ривожлантиришдаги жиддий камчиликлар оқибатида Қашқадарё, Бухоро, Навоий ва Жиззах областларида пахта тайёрлаш планлари қониқарсиз бажарилмоқда. Агар шу областлар лоақал республиканинг ўртача даражасига етиб олганларида, ҳозиргача қўшимча равишда чамаси 400—450 минг тонна пахта топширилган бўлур эди.

Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Главсредазирсовхозстрой, Госкомсельхозтехника томонидан эътибор сусайтириб юборилганлиги натижасида кейинги йилларда пахтачиликни комплекс механизациялаш ва аввало машинада пахта териш даражаси, айниқса, кескин пасайиб кетишига йўл қўйилди. Масалан, Бухоро областида машина терими плани 6 процент, Қашқадарё ва Навоий областларида 22 процент бажарилди. Республикада машина терими плани жами 43,7 процент адо этилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўп миқдорда олинмай қолганлиги суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги билан боғланган. Масалан, Тошкент ва Самарқанд областларида суғориладиган экинзорларнинг ҳар гектаридан 2600 сўмлик маҳсулот олинаётган бўлса, уларга қўшни бўлган Жиззах ва Сирдарё областларида 1200—1400 сўмлик маҳсулот олинмоқда. Бу кўрсаткичлар Қорақалпоғистон АССРда, Қашқадарё областида ҳам жуда паст.

Фақат янги ерларнинг самарадорлиги пастлиги ва уларда лойиҳадаги ҳосилдорлик таъминланмаганлиги оқибатидагина 4 йил ичида 200 минг тоннагача пахта кам олинди. Бунинг устига Қорақалпоғистонда, Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё ва бошқа баъзи областларда 600 минг гектардан кўпроқ илгаригидан экинзорларнинг ҳолати қониқарсиз бўлиши орқасида ҳар йили 350—400 минг тонна пахта олинмай қолмоқда.

Главсредазирсовхозстрой (ўртоқ Н. Р. Ҳамроев), министрлардан И. Х. Жўрабеков, Т. Б. Боймиров, А. А. Уркинбоев ўртоқлар, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг раҳбарлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVIII пленумининг талаблари асосида суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштиришни кескин равишда кўпайтириш юзасидан комплекс тадбирларни амалга оширишлари зарур.

Қашқадарё, Бухоро, Жиззах, Самарқанд областларида ва Қорақалпоғистон АССРда гўшт ва сут етиштириш юзасидан, Қашқадарё, Жиззах ва Самарқанд областларида тухум етиштириш юзасидан белгиланадиган топшириқлар асоссиз равишда камайтириб юборилганлиги сабабли чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш планларини бажариш соҳасида қийин аҳвол вужудга келди. Паррандачилик фабрикалари ва чорвачилик комплексларининг қувватларидан фойдаланиш даражаси йил сайин пасаймоқда. Паррандачилик саноати давлат комитетининг корхоналари парранда гўшти етиштириш қувватларидан фойдаланишда 1975 йилга нисбатан 81 процентдан 61 процентга, тухум етиштириш қувватларидан фойдаланишда эса 94 процентдан 72 процентга тушиб қолди. Узглавзаготживпром бўрдоқичилик хўжаликларининг кўрсаткичлари бундан ҳам кўпроқ пасайди: 76 процентдан 56 процентга тушиб қолди. Фақат шу сабабга кўра, республика ҳар йили 40 минг тонна гўшт ва 300 миллионта тухумни кам олмоқда.

Жамоат чорвасининг структурасидаги, наслчилик ишидаги, ем-хашак базасини мустаҳкамлашдаги катта-катта камчиликлар сабабли шу аҳвол вужудга келди. Агар умуман республикада сигирларнинг салмоғи Тошкент областидаги даражага етказилса, бу нарса қўшимча равишда 140 минг тонна сут ва 42 минг бош бузоқ олиш имконини беришини эслатиб ўтиш кифоя.

Қашқадарё областида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Шу областни ривожлантириш учун давлат ажратаётган жуда катта маблағлардан самарали фойдаланишга етарли эътибор берилмаётганлиги натижасида бу ерда пахта тайёрлаш плани 55 процент бажарилди, гектар бошига ўртача ҳосилдорлик атиги 15 центнерни ташкил этди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг барча турларини харид қилиш планлари барбод этилди. Айни пайтда область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Т. С. Сахатов, областнинг бошқа раҳбарлари йўл қўйилган камчиликларга танқидий кўз билан қараш ҳамда аҳволни тузатишга қаратилган чораларни кўриш ўрнига план топшириқларини камайтириш учун ҳамон ҳаракат қилмоқдалар.

Қурилишдаги ишларнинг аҳволи сусткашлик билан тузатилмоқда. Йилнинг ўтган даврида 370 миллион сўмдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилмади, фондларни ишга туширишнинг йиллик плани эса атиги 50 процент бажарилди. Ишга тушириладиган бир қанча объектларнинг қурилишида ишларнинг суръати паст, айниқса, Ранги металлургия министрлиги, Ўғит ишлаб чиқариш министрлиги Енгил саноат министрлиги, Тайёрлаш министрлигининг объектларида ресурсларнинг сочилиб кетишига ва смета қийматининг ошишига йўл қўйилмоқда.

Айниқса, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги, Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё областлари-ижроия комитетлари томонидан ўй-жой, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналарни қуриб битказишда анчагина орқада қолишга йўл қўйилди.

Кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан банд қилишни ошириш, ишга туширилаётган объектларни малакали кадрлар билан таъминлаш ва шу асосда қувватларни иш билан таъминлашни яхшилаш, сменалар коэффициентини ошириш — самарадорликни ўстиришнинг катта резервидир. Маълумки, республика меҳнат билан, умуман юқори даражада таъминланган бўлса ҳам, кўпгина корхоналар ва бинокорлик материаллари, машинасозлик, енгил саноат, қурилиш сингари бутун-бутун тармоқлар, қишлоқ хўжалигининг айрим соҳаларида ишчи кучи мутлақо етишмаяпти.

Ҳунар-техника таълими давлат комитети, министрликлар ва идоралар етарли эътибор бермаётганликлари оқибатида ҳунар-техника билим юртлари тармоғи сust ўсмоқда. Давлатнинг шу мақсадлар учун ажратган маблағидан яхши фойдаланилмаяпти: 4 йил ичида 37 миллион сўм ёки ажратилган жами маблағнинг 30 проценти, Главсредазирсовхозстройда 70 проценти, Қишлоқ хўжалиги министрлигида 60 процентдан кўпроғи ўзлаштирилмай қолди, 5 минг ўринлидан кўпроқ бинони юртлари ишга туширилмади. Натижада саноатдаги ёш ишчиларнинг атиги бешдан бир қисми ва қурилишда 30 процентигина ҳунар-техника билим юртларини битириб чиққан кишилардир.

Транспорт ва алоқа, савдо-сотиқ ва маиший хизматнинг ишида ҳам муайян камчиликлар ва фойдаланилмай ётган резервлар бор.

Йил охиригача саноқли кунлар қолди. Йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини шу қисқа вақт ичида тўлдириб олиш учун ресурслар ва имкониятларни зўр куч билан сафарбар қилиш учун таъсирчан чоралар кўриш зарур.

Министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари қар бир корхона, қурилиш, хўжалик мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, шу йил учун белгиланган топшириқларни ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришни таъминлашга эришишлари зарур.

Депутат ўртоқлар! Сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган 1985 йилги планлойиҳаси бу йил, ўртоқ К. У. Черненконинг ўткир ибораси билан айтилганда, жами иш кучларини ҳозирги беш йиллик муваффақиятли тугаллашга ва ўн иккинчи беш йиллик учун яхши, мустаҳкам негиз яратишга сафарбар қилиш белгиси остида ўтишини эътиборга олиб ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларига тўла мувофиқ равишда план кўрсаткичлари ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш, халқ хўжалигида юксак пировард натижаларга эришиш асосида республика аҳолисининг фаровонлигини янада ўстиришни таъминлайди. Шу муносабат билан қуйидаги вазифаларни:

— ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш ва мутлақ ошириш суръатларини жадаллаштириш, меҳнатни ҳар томонлама интенсивлаш ва унинг унумдорлигини ошириш негизида ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш ва шу асосда аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш;

— республиканинг Умумиттифоқ ихтисослашувидаги энг муҳим соҳа бўлмиш пахта комплексини янада ривожлантириш, Озиқ-овқат программасини бажариш соҳасидаги комплекс тадбирларни рўёбга чиқариш;

— социал ривожланиш суръатларини ошириш, аҳолининг молларга ва хизматларга ортиб бораётган эҳтиёжларини тобора тўла-тўкис қондириш, уй-жойларни жадал қуриш, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ва хизмат соҳасини ривожлантириш;

— капитал маблағ самарадорлигини ошириш, уни биринчи галда ишлаб чиқаришни реконструкция қилишга ва техника билан қайта қуроллантиришга сарфлаш, қурилиш сифатини яхшилаб, қувватлар ва объектларни жадал ишга тушириш, чала қурилишлар сонини камайтириш;

— хом ашё, материал, меҳнат ва молия ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқаришда ва хизмат соҳасида иқтисодий тежашни кучайтириш вазифаларини ҳал этишга асосий эътибор берилди.

Аввало вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалининг самарасини ошириш ва интенсив омилларни кучайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришни таъминлаш планнинг энг муҳим ҳусусиятидир. Бу нарса ялпи маҳсулотга нисбатан миллий даромаднинг илдамроқ ўсишида ўз ифодасини топди: ишлаб чиқарилган миллий даромад 5,4 процент кўпайиб, 20,2 миллиард сўм бўлади, ялпи ижтимоий маҳсулот эса, 5 процент ортиб, 42,7 миллиард сўмликка етади.

Саноатда маҳсулот жами 1,5 миллиард сўмлик миқдорда кўпайса, шундан 88,5 процента интенсив омиллар ҳисобига — асосан қувватларнинг самарадорлигини ошириш натижасида ва атиги 11,5 процента янги корхоналар қурилиши ҳисобига олинади. Саноатдаги меҳнат унумдорлиги 3,4, қишлоқ хўжалиги ва қурилишда эса 3,5 процент ортади, ишлаб турган корхоналардаги саноат маҳсулоти кўпайишининг 80 процентдан ортиғи ва қурилиш-монтаж ишлари кўпайишининг ҳамма ши шу ҳисобдан таъминланади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга алоҳида эътибор берилган. 55 та илмий ечим, янги техника ва технологияга оид 458 тадбир ишлаб чиқаришган жорий қилинади. 190 та цех ва участкани комплекс механизациялаш, 157 та механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган линия ўрнатиш, 135 та робот техникасини жорий этиш, қуёш энергиясини ва чиқитсиз технологияни қўлланишни кенгайтириш белгиланган. Кукун металлургия янада ривож топади, шу усулда деталь тайёрлаш ва қайта тиклашни ўн тўқизта министрлик ва идоранинг 30 та корхонаси амалга оширади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришнинг мана шу режалари маҳсулот сифатини оширишга оид тадбирлар билан мустаҳкамланади. 80 турдан кўпроқ маҳсулот олий сифат категорияси аттестациясидан ўтказилади ва 1985 йилнинг охирига бориб шундай маҳсулотларнинг жами тури 700 тага етади. Аттестация қилиниши лозим бўлган жами маҳсулот ҳажмида Сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг улуши 54,6 процентни ташкил қилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг йўл-йўриқларига мувофиқ олий категориядаги маҳсулотнинг жами маҳсулот таркибидаги улушини 13,3 процентга, аттестациядан ўтказиладиган маҳсулот ҳажмининг улушини эса 60,8 процентга етказиш топшириғи тўла бажарилади.

Самарадорлик ва сифатни ошириш асосида фойдаси 13,2 процент кўпайтириш ва саноатдаги маҳсулот таннархини 0,8 процент ва маиший хизматда 0,6 процент камайтириш планлаштирилмоқда. Халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш соҳасидаги иш давом эттирилади.

Халқ хўжалигини ривожлантиришда саноат етакчи роль ўйнайди, унинг маҳсулоти ҳажми 6,7 процент, шу жумладан ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш («А» группа) 6,6 ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш («Б» группа) 6,9 процент ортади. Саноатнинг тармоқ структурасини такомиллаштириш иши давом эттирилади, техника тараққиётини белгилаб берадиган асосий тармоқларнинг, шунингдек тез ортиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашни кўпайтириш имконини берадиган кўп меҳнат талаб қилувчи тармоқларнинг улуши ортади.

СССРнинг Энергетика программасига мувофиқ **ёқилғи-энергетика комплексини** ривожлантириш параметрлари ишлаб чиқилди. Электр энергия ҳосил қилиш 47,1 миллиард киловатт-соатни ташкил қилади, яъни беш йиллик топшириқларидан 3,1 миллиард киловатт-соат ортиқ бўлади. Кўмир, нефть, газ қазиб олиш кўпаяди. Нефтни қайта ишлаш ҳажми ортади.

570 мегаваттли янги энергетика қувватлари, шу жумладан Ангрен ГРЭСидаги ва Муборак ТЭСидаги янги энергетика блоклари, Тахиатош ГРЭСининг 5-навбати ишга туширилади. Ангрен кўмир ҳавзасини реконструкция қилиш ишлари давом эттирилади.

Қора металлургияда маҳсулот ишлаб чиқариш 10,8 процент ортади, пўлат эритиш ошади, прокат ишлаб чиқариш эса 1,7 баравар кўпаяди. Сирланган идиш ишлаб чиқаришни беш йиллик топшириқларидан 11 процент кўпайтириб, чакана нархларда 51 миллион сўмликка етказиш белгиланган. **Рангли металлургия** янада ривож топади, уни ривожлантиришга 94 миллион сўмдан кўпроқ пул сарфланади. Рух, мис, алюминий, қаттиқ қотишмалар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ортади.

Аввалги йилларда бўлгани каби, **химия ва нефть химияси саноатининг** гуркираб ривожланиши таъминланади. Бу соҳалардаги ўсиш суръатлари 18,6 процентни ташкил қилади. Минерал ўғит ишлаб чиқаришни 35 процент кўпайтириб, салкам 2 миллион тоннага етказиш белгиланган, химиявий тола, дефолиантлар, олтингугурт кислотаси, синтетик ювиш воситалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпаяди.

Самарқанд химия заводини кенгайтириш, Навоий электр химия ва Олмалиқ химия заводларида, Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмасида янги цехлар қуриш кўзда тутилади.

Машинасозлик ва металл ишлаш маҳсулоти 5,7 процент, шу жумладан машинасозликда 6,6 процент кўпаяди. Тракторлар ишлаб чиқариш 300 дона, қишлоқ хўжалик машиналари 5 процент ортади. Саноатнинг турли тармоқлари учун электр техника маҳсулотлари ва технология асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш анча кўпаяди.

Тошкент мотор заводида биринчи марта ошириган энергия билан таъминланган кўплаб миқдорда трактор двигатели йиғилади. «Узбекиммаш» заводи асбоб-ускуналарнинг янги моделларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиради, рўзғор магнитофонлари ишлаб чиқарила бошланади.

Бинокорлик материалларни ишлаб чиқаришни келгуси йилда кўпайтириш режасикапитал қурилиш программаси билан мувофиқлаштирилади ва 4,2 процентни ташкил этади. Цемент ишлаб чиқариш 5,9 процент, деворбоп материаллар ишлаб чиқариш 11,4, йиғма темирбетон 9,7, ғовакли тўлдиргичлар ишлаб чиқариш 10,6 процент ортади ва ҳоказо.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалалари партиянинг аҳоли ўсиб бораётган эҳтиёжларини тобора тўла-тўкис қондириш йўлига мувофиқ равишда алоҳида эътибор билан ишлаб чиқилган. Халқ истеъмол моллари чакана нархларда 9 миллиард 617 миллион сўмлик миқдорда ишлаб чиқарилади. Бу кўрсаткич аҳоли жон бошига шу маҳсулотларни истеъмол қилишни 1984 йилдаги 515 сўмликдан 524 сўмликка етказиш, иш ҳақи фондининг ҳар сўми ҳисобига бу йилги 120,8 тийиндан 123,5 тийинга етказиш имконини беради.

Халқ учун керакли моллар ишлаб чиқаришга ҳамма саноат корхоналари жалб этилади, шу билан бирга маҳаллий ва иккиламчи хом ашё ресурсларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш кўзда тутилади. Молларнинг, аввало болаларга аталган молларнинг ва кундалик ишлатиладиган буюмларнинг сифатини ошириш, турларини янгилаш ва кўпайтириш тадбирлари белгиланган.

Истеъмол молларини кўпайтиришда **енгил саноат** етакчи роль ўйнайди, бу соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш 6,4 процент ортади. Ип газлама ишлаб чиқариш қарийб 50 миллион квадрат метр кўпайиб, 377 миллион квадрат метрга, шойи газлама эса 8,6 миллион квадрат метр кўпайиб, 144,6 миллион квадрат метрга етади, пайпоқлар ишлаб чиқариш 32,5 процент, ички трикотаж ишлаб чиқариш 16,3 процент ортади ва ҳоказо. 1985 йилда енгил саноат маҳсулотларининг 60—70 проценти янгиланади.

Кичик шаҳарларда ва қишлоқ районларининг марказларида тўқимачилик корхоналарининг олтита, тикувтрикотаж корхоналарининг бешта ва пойабзал корхоналарининг иккита филиалини ишга туширишни планлаштирилган. Бухоро тўқимачилик комбинати пардозлаш корхонасининг ишга туширилади-ган иккинчи комплекси дастлабки маҳсулотни бера бошлайди. Андижон ип газлама комбинатини ва шу тармоқнинг Қорақалпоғистон АССРдаги, Жиззах областидаги ва республиканинг бошқа областларидаги бошқа бир қанча корхоналарини қуриш давом эттирилади.

Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноатида маҳсулот ҳажми 5,2 процент, республика территориясида **мебель** ишлаб чиқариш эса 6,5 процент кўпаяди.

Маҳаллий саноат янада ривожлантирилади, бу соҳадаги ишлаб чиқаришнинг ўсиши 6,3 процентни ташкил қилади. Маҳаллий хом ашёдан ва ёғоч чиқитларидан маҳсулот ишлаб чиқариш, маданий-маиший ва рўзғор асбоблари, тўқимачилик ва тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш планлаштирилмоқда. Касаначилар меҳнатидан фойдаланиш миқёси анча кенгайтирилади. Самарқандда мармар буюмлар заводи, Навоий химиявий тола фабрикаси ва Косонда касаначилик меҳнати фабрикаси, Коғонда рўзғор пахтаси ишлаб чиқарадиган фабрика ва бошқа корхоналар ишга туширилади.

Партиянинг аграр сиёсатига мувофиқ республиканинг **агросаноат комплексини** ривожлантириш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Унинг ялпи маҳсулоти 20,3 миллиард сўмликни ташкил этади ёки 1984 йилда кутилаётганидан 1,2 миллиард сўмлик ёки 6,1 процент кўп бўлади. **Қишлоқ хўжалигининг** маҳсулоти 7 миллиард 779 миллион сўмлик миқдорида, бу йилга нисбатан 5,6 процент кўп қилиб, шу жумладан озиқ-овқат комплекси бўйича 9,5 процент кўп қилиб белгиланган.

Пахта етиштириш ва тайёрлаш 5 миллион 965 минг тонна, шу жумладан ингичка толали пахта етиштириш 450 минг тонна ҳажмидан планлаштирилмоқда. Дон етиштиришни анча кўпайтириб, 2 миллион 850 минг тоннага етказиш белгиланган, сабзавот-полиз маҳсулотлари, картошка, узум ва мева, гўшт, тухум ва сут етиштиришни анча кўпайтириш планлаштирилмоқда.

Чорвачиликни жадал юксалтириш беш йиллик тугаловчи йилининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Шу мақсадни рўёбга чиқариш учун планда чорва туёғи ва паррандаларни кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, фермаларда комплекс механизацияни ривожлантириш, мавжуд паррандачилик фабрикалари ва бўрдоқичилик комплексларининг қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда янгиларини қуриш тадбирлари белгиланган.

КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг қарорларига мувофиқ равишда мелиорацияни кенг миқёсда ривожлантириш белгиланган. 1985 йилда 93,3 минг гектар янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилади, суғориш системаларини реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалик экинзорларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва уларни обдон планлаштириш давом эттирилади. Аввалги йилларда бўлгани каби республиканинг Россия Федерацияси Ноқоратупроқ зонасини комплекс ўзлаштиришда қатнашиши кўзда тутилади.

Келгуси йил қишлоқ х

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1985 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1984 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ БАЖАРИЛИШИ ҲАҚИДА

(Боши иккинчи бетда).

Агросаноат комплекси қайта ишлаш тармоқларининг кўрсаткичлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан боғланган ҳолда ишлаб чиқилди. **Пахта тозалаш саноати** янги йилда янгича шароитларда ишлайди: маълумки шу йилдан бошлабоқ пахта сифатига ва толасининг миқдорига қараб қабул қилиб олинмоқда ва шунга яраша ҳақ тўланмоқда. 1984 йилги план даражасидаги барқарор план билан пахта етиштирилганида тола чиқиши анча ортади.

Пахтани қайта ишлаш сифатини ошириш тола ажратиш моддий-техника базасининг кучайтирилиши билан мустаҳкамланмоқда. Қорақалпоғистон АССР Шуманай посёлкасида пахта заводи, иккита янги тайёрлов пункти, 28 та қуритиш-тозалаш цехи, 70 та лаборатория, иккита нотўқима материаллар цехи ва бошқа цехлар қуриш мўлжалланади.

Бир йил ичида **озиқ-овқат саноатининг** ялпи маҳсулоти 6,1 процент кўпаяди, шу жумладан Озиқ-овқат саноати министрлиги бўйича 6,6 процент, Гўшт ва сут саноати министрлиги бўйича 2 процент, Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги бўйича 9,8 процент, Балиқ хўжалиги давлат комитети бўйича 7,8 процент кўпаяди. Ўсимлик мойи, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, балиқ ва кондитер маҳсулотлари, чой, гўшт ва колбаса маҳсулотлари, чанқов босди ичимликлар, минерал сув ва пиво тайёрлаш анча кўпайиши кўзда тутилган.

60 миллион шартли банка мева-сабзавот консерваси тайёрлайдиган, 7,2 минг тонна чой қадоқлайдиган янги қувватлар, пиво пишириш, кондитерлик маҳсулотларини тайёрлаш, нон ёпиш тармоқларида ҳам янги қувватлар ишга туширилади. Шаҳрихонда сут заводи, Жиззахда гўшт комбинати қуриш, балиқчилик хўжаликларида саҳни 200 гектардан ошадиган ҳовузлар, кўл ҳовузларни ишга тушириш мўлжалланади.

Ун-ёрма саноатида ишлаб чиқаришни 5,7 процент ўстириш кўзда тутилади. Омихта ем ишлаб чиқариш бош йиллик топшириғида белгиланганидан анча ортади.

План лойиҳаси **транспорт** янада ривожлантирилишини кўзда тутади. Юк ташиш умумий ҳажми 5 процент ортади. Автомобиль йўллари 260 километр узайиб 32,5 минг километрга етади. Темир йўл транспорти ва граждан авиацияси янада ривожланади.

Алоқа маҳсулоти ҳажми 5 процент кўпайиб 265 миллион сўмга етади. Шаҳар телефон станцияларининг сиғими 80 мингта номер, қишлоқ телефон станцияларининг сиғими эса 38 мингта номер ортади.

Экономика барча тармоқларининг ривожланиши капитал қурилиш ҳажми ва самарадорлигига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Республика территориясида барча молиявий манбалар ҳисобидан олинадиган **капитал маблағлар 6** миллиард 818 миллион сўмга етиб, беш йиллик топшириқларидан 6 процент кўп бўлади. Давлат маблағлари 5 миллиард 935 миллион сўм қилиб белгиланган бўлиб, шундан 77 процентдан ортиғи ишлаб чиқариш бинолари қуришга сарфланади.

Ёқилғи энергетика комплексини, машинасозликни ривожлантиришга беш йилликда белгиланганидан кўпроқ маблағ ажратилади. Қора ва рангли металлургияга, шунингдек енгил саноат, озиқ-овқат саноати, гўшт-сут саноати ва балиқ хўжалигига сарфланадиган маблағлар шу йилгига нисбатан ортади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бутун ишлар комплекси бўйича 2 миллиард 816 миллион сўм ёки жами ҳажмининг 41 проценти сарфланади.

Республиканинг қурилиш ташкилотлари Тюмень области ва БАМ зонасида халқ хўжалик объектлари қуриш ишини давом эттиради.

Маблағларни ишга туширилдиган комплекслар ва объектларга жамлашни кучайтириш мақсадида барча капитал маблағларнинг 74 процента битказилмай қолган қурилишларга ажратилади. 1984 йилга бундай қурилишларга 67 процент капитал маблағ ажратилган эди. Янгидан бошланадиган қурилишлар миқдори эса 35 процент қисқартирилади. Битказилмаган қурилишлар ҳажми 1983 йилдаги 64 процентдан 61 процентгача, шу жумладан республика хўжаликлари бўйича 58 процентгача қисқаради. Бу белгиланган нормадагига мувофиқ келади.

Объектлар ва асосий фондларни бир маромда ишга тушириб боришга алоҳида эътибор берилган. Йил давомида ишга туширилдиган объектлар ҳажмида айниқса, уй-жойлар, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари, соғлиқни сақлаш объектлари ва бошқа объектлар бўйича дастлабки кварталларнинг ҳиссаси анча оширилган.

Капитал маблағлар ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажмига мувофиқ пудрат ишлари ҳажмини ўстириш ва қурилиш ташкилотлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мўлжалланади.

Лойиҳада халқ хўжалиги минерал-хом ашё базасини кенгайтириш масалалари акс этган. Режалаштирилаётган **геологик — разведка** ишлари ҳажми, қўрғошин ва руҳ, фосфорит, нефть ва газ каби жуда муҳим фойдали қазилмалар запаслари беш йиллик планда кўзда тутилганидек ўсишини таъминлайди. Қидирув-разведка ишларини кенгайтиришга 167,4 миллион сўм сарфланади. Бундан ташқари нефть ва газ конларини излаш борасидаги чуқур қудуқлар пармалашга 50,5 миллион сўм капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Планда **табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш** чораларига муҳим ўрин берилган. Шу мақсадларга 85 миллион сўм — 1984 йилдагига нисбатан 6 миллион сўм кўп, беш йиллик топшириғидагидан 7 процент кўп маблағ ажратилади.

Партиянинг **халқ моддий ва маданий турмуш даражасини янада ошириш** тўғрисидаги программавий кўрсатмаларига тўла мувофиқ социал тараққиёт масалалари алоҳида эътибор билан ишлаб чиқилди. Республика аҳолисининг пул даромадлари 1984 йилда кутилаётган даражасига нисбатан 653 миллион сўм ёки 3,8 процент ортиб, 17,9 миллиард сўмни ташкил этади. Ижтимоий истеъмол фондлари 5,2 процент ошириб режалаштирилмоқда.

1985 йилда чакана товар обороти 14 миллиард 360 миллион сўм, шу жумладан қўшимча топшириқ 350 миллион сўм қилиб белгиланди. Бу шу йили бажарилиши кутилаётганидан 6,8 процент кўпдир. Гўшт, сут маҳсулотлари, тухум, балиқ, сабзавот сотиш ва уларнинг жон бошига истеъмол қилиниши анча кўпаяди, газлама, пойабзал, мебель, идиш-товоқлар каби энг муҳим саноат моллари товар фондлари, транспорт воситалари ва ҳоказолар кўпаяди. Аҳолига **маиший хизмат кўрсатиш** ҳажми 11,4 процент ортади.

1985 йилда катта ҳажмдаги **уй-жой қурилиши** амалга оширилади. Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 6,3 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жойни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган, бу эса беш йиллик топшириғига қараганда 148 минг квадрат метр кўпдир. Уй-жой кооператив қурилиши ҳажмлари бир ярим баравар ортади, якка тартибда уй қуриш кўлами анча кенгаяди.

Коммунал хўжалигини ривожлантиришга 155 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратилмоқда, бу эса Қорақалпоғистон АССР ва областларнинг ҳаҳолисини сув билан таъминлашни анча яхшилаш, иссиқлик ва каналлаштирмоқларининг қувватларини кўпайтириш, уй-жойларни газлаштириш даражасини ошириш имконини беради.

Темир йўл вокзалидан «Чкалов» станциясигача Тошкент метрополитенининг иккинчи линияси қурилиши давом эттирилади, «Навоий» станциясидан «Беруний» станциясигача бўлган трассадаги ишлар бошлаб юборилади.

Халқ маорифини ривожлантириш кўрсаткичлари КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қарорларига асосланиб ишлаб чиқилган. Кундузги умумий таълим мактабларидаги ўқувчилар сони 2,6 процент ортиб, 4 миллион 251 минг кишига етади. 1985 йил охирига бориб, мактабгача тарбия муассасалари билан таъминланиш 1984 йилдаги 42,1 процент ўрнига 45,8 процентга етади.

Олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларига **студентлар қабул қилиш** 3,9 минг кишига ошириш планлаштирилмоқда, мутахассислар тайёрлаб чиқариш эса 5,4 минг нафар кўпайиб, 128,8 минг кишини ташкил этади. Ҳунар-техника билим юртларида ва бевосита ишлаб чиқаришда малакали ишчи кадрлар тайёрлаш 3,5 процент ортиб, 429,5 минг кишини ташкил этади.

Маданият, физкультура ва спортни, социал таъминотни ривожлантириш кўрсаткичлари беш йиллик план топшириқларидан ошириб ишлаб чиқилган. **Соғлиқни сақлашда** касалхоналардаги ўринлар сонини 9 мингтага кўпайтириш кўзда тутилган, бу эса 1984 йилги даражага нисбатан 4,2 процентни ташкил этади. Бунда касалхоналардаги ўринлар билан таъминланиш ҳар ўн минг кишига ҳисоблаганда 120 тагача ортади, бу эса беш йиллик топшириғига мос келади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукуматининг **ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш** масалаларига доир программавий қарорларини бажариш юзасидан Қорақалпоғистон АССР, областлар ва районлар хўжалигини табиий-иқтисодий шароитлардан тўлиқроқ фойдаланиш, комплекслиликни ва ихтисослаштиришни ошириш асосида янада ҳар томонлама ривожлантириш кўзда тутилади. Янги ташкил этилган районлар ва қўриқ районларни жадал ривожлантиришга, сермеҳнат тармоқларни ривожлантириш суръатларини ошириш ҳамда ортиб бораётган меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга алоҳида эътибор жалб қилинди. Корхоналарни, уларнинг филиаллари ҳамда цехларини кичик шаҳарларда ва қишлоқ жойларда барпо этиш давом эттирилади.

Планда экономиканинг барча тармоқларини ривожлантириш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилишини таъминлайдиган миқдорларда **моддий-техника ресурсларини** ажратиш кўзда тутилган ва **пудрат ишлари** ҳажми белгиланган.

Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, шу жумладан, электр энергияни 5 процент, иссиқлик энергиясини 6 процент ва нефть маҳсулотларини 4 процент иқтисод қилиш топшириқлари белгиланмоқда.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш **ташқи иқтисодий алоқаларни** янада кенгайтириш учун пухта негиз яратади. Республика корхоналари ўз маҳсулотини жаҳондаги 75 мамлакатга етказиб бермоқдалар. 1985 йилда экспорт маҳсулотлари етказиб бериш 5 процент ортади. Чет мамлакатлар билан товар айирбошлаш ишлари ҳажми 70 процент кўпаяди. Ўзбекистон ўқув юртларида ривожланаётган мамлакатлар учун кадрлар тайёрлаш ҳамда сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалик объектлари қурилишида, фойдали қазилмаларни қидиришда ёрдам беришда янада ривожлантирилади.

Баён этиб ўтилганлардан кўринаётган турибдики, етакчи тармоқларни ўстиришнинг план лойиҳасида белгиланган юксак суръатлари топшириқларнинг асосан бажарилишини таъминламоқда. Бу топшириқлар КПСС XXVI съезди XI беш йилликда Ўзбекистон ССР бўйича тасдиқлаган асосий йўналишларда кўзда тутилган.

Шу билан бирга бир қанча сабабларга кўра, айниқса, қувватлар ўз вақтида ишга туширилмаганлиги ва кейинги йилларда мураккаб келган об-ҳаво шароитлари оқибатида айрим соҳалар бўйича беш йиллик топшириқларига етиб олишнинг имкони бўлмади. Саноатда умуман 5 йил мобайнида ўсиш суръати 129 процент ўрнига 128,6 процент даражада бормоқда. Бунга, аввало, қора ва рангли металлургия, кўмир ва нефть химияси саноати, Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги министрлиги, Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги, Электротехника саноати министрлиги, «Узглавхлопкопром», Озиқ-овқат саноати министрлиги, Мебель саноати министрлиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги ва бошқа баъзи министрликлар корхоналарининг қолоқлиги сабаб бўлмоқда.

План топшириқларини корхоналар билан ташкилотларга етказиш чоғида ишлаб турган қувватларни максимал даражада ишлатиш ҳамда фойдаланишга топширилаётган қувватларни ўз вақтида ўзлаштириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва материал-техника билан пухта таъминлаш имкониятларини кўриб чиқиш зарур. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ишлаб чиқариш фондларининг ҳар бир сўми ҳисобига фонд самарадорлигининг лоақал 1 тийин оширилишига эришилган тақдирда бу нарса 180 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот олиш ва беш йиллик топшириғи даражасига чиқиб олиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулотни ўстириш беш йиллик пландаги 117 ўрнига 116,2 процент даражада планлаштирилган. Беш йиллик планни таъминлаш учун КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми қарорлари асосида суғориладиган ерлар самарадорлигини кескин оширишга, агросаноат комплексини ривожлантириш учун ажратилаётган капитал маблағлар ва моддий ресурслардан самарали фойдаланилишига эришиш зарур.

Капитал қурилишда ишлаб чиқариш объектларини, уй-жойларни, ноишлаб чиқариш соҳаси ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа объектларини ишга туширишда аввалги йилларда йўл қўйилган қолоқликни бартараф этиш, бундан буён планда кўзда тутилмаган қурилишларга йўл қўймаслик керак.

Жамоат транспортида, маиший хизматда, бошқа тармоқларда ишларни яхшилаш учун фойдаланилмаётган жуда катта резервлар мавжуд.

Ресурслардан самаралироқ фойдаланиш — барча меҳнат коллективларининг ишига сингиб кетиши лозим бўлган умумий вазифадир. Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида Қишлоқ хўжалик министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Главташкентстрой», «Госкомсельхозтехника», бошқа бир қанча министрликлар ва идоралар материалларни, ёқилғи ва электр-энергияни тадайгина ортиқча сарфлашга йўл қўйдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатнинг илғор коллективларидан ўрнак олиб, ишни шундай ташкил этиш керакки, 1985 йилда тежалган материаллар, хомашё ва ёқилғи билан камида икки кун ишлаб бериш лозим.

Тармоқларда ва меҳнат коллективларида иқтисодий ҳамда молиявий ишларни яхшилаш муҳим умумхўжалик вазифасидир. Кейинги вақтларда бу соҳада кўп ишлар қилинди. Шу билан бирга белгиланган планларни бажармаслик, план интизомига риоя этилиши устидан контролликни сусайтириш, хўжалик ҳисобини жорий этишга етарлича эътибор бермаслик натижасида айрим корхоналар ва хўжаликларнинг иқтисодий натижалари паст бўлиб қолмоқда, уларнинг молиявий аҳволи қониқарли эмас. Меҳнат унумдорлигига нисбатан иш ҳақини илдам ошириш, оборот маблағларини бошқа ишларга сарфлаш, фойда олиш ва рентабеллик планини бажармаслик, зарар кўриб ишлаш фактларига йўл қўйилмоқда.

Министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, корхоналар ва ташкилотлар муқобил планлар билан социалистик мажбуриятларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш чоғида ана шу тағ-заминли кўрсатмага амал қилиб, барча кўрсаткичлар юзасидан беш йиллик план марраларига чиқиб олишлари керак.

Давлат план интизомини мустаҳкамлаш, янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ ҳар бир меҳнат коллективида, ҳар бир иш жойида бир маромдаги юқори унумли ишни таъминлаш, социалистик мусобақани кенг авж олдириш, илғор тажрибани актив жорий этиш ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишнинг ғоят муҳим шартидир.

Республика меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми ва кейинги пленумларининг қарорларини бажара бориб, 1985 йилги план, ўн биринчи беш йилликнинг барча топшириқлари адо этилишини таъминлайдилар ҳамда КПСС XXVII съездини муносиб кутиб оладилар, деб ишонч билдиришга ижозат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1985 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1983 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР молия министри депутат И. А. КАРИМОВ доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилги давлат бюджетини Сизларнинг муҳокама қилишингиз ва тасдиқлашингиз учун тақдим этади.

Экономиканинг энг муҳим проблемаларини чуқур ва ҳар томонлама муҳокама қилган ҳамда мамлакатимизни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги конкрет вазифаларини ва узоқ истиқболдаги вазифаларни белгилаб берган КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг ва СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг қарорларини совет кишилари завқ-шавқ билан, тўла-тўкис маъқуллаб кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг Сиёсий бюро мажлисида сўзлаган нутқидаги кўрсатмалар ва хулосалар хўжаликни оқилона бошқариш, ресурслардан самарали фойдаланиш, юксак пировард натижаларга эришиш ва экономиканинг интенсивлигини жадаллаштириш учун меҳнат коллективларини сафарбар этишнинг аниқ-равшан программаси бўлди.

Экономикада бошланган ижобий жараёнларни мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш, ривожланган социалистик жамиятни такомиллаштиришга, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳар томонлама вазмин, реалистик йўлни изчиллик билан амалга ошириш тўғрисида партиямиз изҳор этган қатъий азми қарорни бутун халқ якдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Ҳозирги юбилей йилида, бутун мамлакатимиз Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олаётган бир пайтда республикамиз меҳнаткашлари иқтисодий ва маданий қурилишда каттагина ижобий ютуқларга эришмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аниқ мақсадни кўзлаб, изчиллик билан қилган ишлари туфайли ўтган даврда иқтисодий ўсиш суръатлари тезлашди, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги ошди. Саноатда, капитал қурилишда, қишлоқ хўжалигида ва ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида муваффақиятларга эришилди. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ва аҳолининг саноат молларига ўсиб бораётган талабларини қондириш соҳасида катта иш қилинмоқда. Социал ва маданий қурилиш программаси, фан ва техникани жадал ривожлантириш режалари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси республика бюджетини муваффақиятли бажариш учун зарур шарт-шароитларни яратмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги давлат бюджети дастлабки маълумотларга кўра, даромадлар бўйича 101 процент, харажатлар бўйича эса 100 процент бажарилади.

Қорақалпоғистон автоном республикасининг, барча областлар ва Тошкент шаҳрининг бюджетлари бажарилиши таъминланмоқда, бу йил ҳамма шаҳарлар, районлар, посёлкалар ва қишлоқларнинг Советлари ўз бюджетларини сифатли бажариши учун конкрет чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг хўжалик раҳбарлиги савиясини ва кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида давлат, план ва молия интизомини мустаҳкамлаш соҳасидаги принципиал йўлни изчиллик билан мустаҳкамлашга ва тасдиқлашга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва бюджетнинг даромадларини кўпайтиришнинг ҳамма мавжуд резервларини ва манбаларини ишга солишга эриша олмадик, барча министрликлар ва корхоналар белгиланган планларни бажаришни таъминлай олмадик, ҳамма позициялар бўйича қолоқликни тугата олмадик.

Енгил саноат министрлиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги ва бошқа бир қанча министрликларнинг корхоналари оборот солиғи планини бажармаганликлари орқасида бюджетга анчагина пул тушмай қолди. Бунинг асосий сабаби шартномавий мажбуриятларнинг ва маҳсулот етказиб бериш планларининг бажарилмаслигидир.

Қишлоқ хўжалиги министрлиги (ўртоқ А. А. Уркинбоев), Пахта тозалаш саноати бош бошқармаси (ўртоқ Н. Д. Ўрунов), Озиқ-овқат саноати министрлиги (ўртоқ М. Ю. Йўлдошев), Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги (ўртоқ Р. А. Абдуллаев), Қурилиш министрлиги (ўртоқ Ф. Г. Потуремский), Қишлоқ қурилиши министрлиги (ўртоқ Н. Г. Қурбонов) ҳамда бошқа баъзи министрликларнинг айрим корхоналари, ташкилотлари ва хўжаликларига ёрдам берилишига қарамай, уларнинг молиявий ва иқтисодий аҳволи ҳали ҳам ночор бўлиб турибди.

Бу корхона ва ташкилотларнинг кўпларида маҳсулот ишлаб чиқариш чиқимлари ва харажатлари ҳамда бажарилган ишларнинг нархи белгилаб қўйилган норма планларидан ошиб кетмоқда, фойда олиш ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари бажарилмаяпти, кўп миқдорда унумсиз харажатларга, нобудгарчиликларга ва исрофгарчиликларга йўл қўйилмоқда, маблағлар планда кўрсатилмаган ишларга сарф қилинмоқда, банклардан ва маҳсулот етказиб берувчи ташкилотлардан кўп миқдорда қарздор бўлиб қолинмоқда.

Қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик ва социалистик мулкни ўғирлаш каби фактлар айниқса, қишлоқ хўжалигида, пахта тозалаш саноати ҳамда қурилишда корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий ҳамда иқтисодий аҳволини жиддий ёмонлаштириб юборди.

Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети, Пахта тозалаш саноати бош бошқармаси, Қишлоқ қурилиши министрлиги, Қурилиш министрлиги ҳамда «Главташкентстрой» ташкилотларида нобудгарчилик ва кўрилаётган зарар ошиб кетди.

Шу беш йилликнинг ўтган даври мобайнида Қорақалпоғистон автоном республикаси Министрлар Советининг объектларида планда кўзда тутилмаган қурилиш, қийматнинг кўпайиши сабабли йўл қўйилган пландан ташқари қўшимча харажатлар 15 миллион сўмлиқдан ошиб кетди. Бухоро, Қашқадарё областлари ва бошқа баъзи областларда ҳам аҳвол худди шундай.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бу салбий фактларга аниқ ва равшан баҳо берди, барча бошқарув бўғинларининг раҳбарларидан шу камчиликларни тугатиш ва хўжалик қурилишининг ҳамма соҳаларида план топшириқларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан дарҳол чоралар кўришни талаб қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг таъкидлашича партиянинг иқтисодий ривожланиш ҳозирги босқичида ўртага қўйаётган вазифалари мураккаблиги ва кенг миқёслари халқ хўжалигига раҳбарлик қилишга сифат жиҳатидан янгича ёндашишни, вужудга келаётган проблемаларни янада уюшқоқлик билан пухта ўйлаб ҳал этишни талаб қилади. Айрим корхоналар, ташкилотлар ва ҳатто министрликларнинг раҳбарлари онгидаги тайёргa айёрлик, истеъмолчилик кайфиятини тугатиш, хўжалик ҳисоби принципларига оғишмай риоя этиш, харажатларни мавжуд имкониятларга ва ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига қатъий таққослаб олиб бориш зарур.

Афсуски, айрим хўжалик раҳбарларининг планда кўрсатилмаган харажатларга йўл қўйиб, кейин уларни қоплаш манбаларини қидиришлари каби фактлар ҳали ҳам тугатилмаяпти.

В. И. Ленининг сўзлари билан айтганда, хўжаликни оқилона юритиш учун «Биз ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилишимиз лозим ва ҳар бир киши тежамли бўлишни ўрганиб олиши керак».

«Барча меҳнат коллективларининг, ҳамма корхона ва тармоқларнинг иши худди мана шундай ва фақат мана шундай ташкил этилиши лозим», — деб таъкидлади ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида сўзлаган нутқида.

Ҳозир ҳар бир иш жойида, бригада ва корхонада, областда, умуман республикада пландан ташқари тежамкорлик фондини вужудга келтириш, ҳар бир меҳнат коллективи илғор корхоналарнинг коллективларидан ўрнак олиб, тежаб қолинган материал, хом ашё ва ёқилғи билан йилига икки кун ишлаб бериши керак, деган вазифа қўйилган.

Мана шуларнинг ҳаммасидан биз зарур хулосалар чиқариб олишимиз, бу йилги иш якунларини яна бир марта таҳлил қилиб кўрсатишимиз, планлаштирилаётган 1985 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун яхши замин яратиш мақсадида ҳамма чораларни кўришимиз керак.

Молия министрлиги, унинг жойлардаги органлари давлат маблағларидан тўғри ва аниқ мақсадда фойдаланилиши устидан контролликни яна ҳам кўпроқ кучайтиришлари, ҳужжасизлик, исрофгарчилик ва молиявий интизомни бузиш фактларини аниқлаб уларнинг пайини қирқишлари зарур.

Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилги Давлат бюджети лойиҳаси КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кейинги пленумларининг қарорларига мувофиқ, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Константин Устинович Черненконинг иқтисодий ва социал ривожланиш энг муҳим проблемалари хусусидаги кўрсатмаларига биноан ишлаб чиқилган.

Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичларини баён этишга киришишдан аввал унинг энг муҳим хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсизлар. Бу хусусиятлар аввало 1985 йил учун кўзда тутилган социал программанинг бажарилишини таъминлаш билан боғланган.

Аввалги йилларда бўлганидек, партия билан давлатнинг совет кишиси тўғрисидаги, унинг моддий ва маданий даражасини ошириш ҳақидаги доимий ғамхўрлиги аҳолининг пул билан оладиган ва реал даромадлари кўпайишида, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни жадал ўстиришда, уй-жой ва коммунал қурилишини анча кенгайтиришда, аҳолига савдо, маиший ва маданий хизматни яхшилашда ўз ифодасини топмоқда.

1985 йилги бюджет лойиҳасида мактаб ислоҳотини амалга ошириш учун қилинадиган қўшимча харажатларга 150 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилади, шу жумладан, умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларининг педагогик ходимлари иш ҳақи ставкаларини кўпайтиришга 127 миллион сўмга яқин пул берилади. Мактабгача тарбия муассасаларида болаларни боқиш учун ота-оналар бераётган ҳақ миқдорини камайтириш билан боғлиқ бўлган харажатларга 5 миллион сўмдан кўпроқ, уларда овқатланишнинг кунлик нормаларини ошириш харажатларига 11,5 миллион сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Ҳозирги пайтда мактабгача тарбия муассасаларига бўладиган харажатларнинг 85 процентидан кўпроғини давлат тўламоқда.

1985 йилда поликлиника ва касалхоналарда дори-дармон учун бўладиган харажат нормасини кўпайтириш учун бюджетдан қўшимча равишда 2,3 миллион сўм ажратилади. Медицина муассасаларини капитал ремонт қилиш ва улар учун асбоб-ускуналар сотиб олиш харажатлари анча ортади.

Маҳаллий Советларнинг уй-жой фондини капитал ремонт қилиш учун давлат бюджети ҳисобидан 50 миллион сўмдан кўпроқ пул берилади; уй-жой-коммунал хўжалиги харажатларини қоплашга ва шаҳар пассажир транспорти (трамвай, троллейбус, метро) чиқимлари учун 75 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади.

1985 йилда ўқитувчиларнинг иш ҳақини, қишлоқ хўжалиги ва маҳаллий Советлар ходимлари бир қанча категорияларининг иш ҳақини марказлаштирилган тарзда ошириш давом эттирилади.

1985 йилги бюджетда Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва уларнинг оилалари моддий-маиший шароитларини янада яхшилашга алоқадор катта социал тадбирларни амалга ошириш муҳим ўрин олади.

(Давоми тўртинчи бетда).

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1985 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1983 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ҲАҚИДА

(Бошы учинчи бетда).

1985 йилда колхозчиларнинг қарилик пенсиялари минимал миқдорлари кўпайтирилади. 360 мингдан кўпроқ колхозчининг оилавий бюджетига 8 миллион 765 минг сўм қўшилади. 10 йилдан кўпроқ вақт муқаддам пенсияга чиққан ишчи, хизматчилар пенсияларининг миқдорини кўпайтириш ҳам кўзда тутилади. Шу мақсадлар учун 16 миллион сўмдан кўпроқ пул сарфланади.

КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг қарорларига мувофиқ маҳаллий Советларнинг, аввало қишлоқ, посёлка ва овул Советларининг бюджетларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга катта аҳамият берилади.

Советларнинг территориясида жойлашган муассасаларга қилинадиган ҳаражат маблағларини уларнинг бюджетларига аста-секин ўтказиш белгиланганлиги уларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтиришга ва хўжалик мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилги Давлат плани лойиҳаси планнинг асосий кўрсаткичларига мувофиқ тузилган. Бюджет даромадлар ва ҳаражатлар бўйича 7 миллиард 914,2 миллион сўм миқдорида ёки Ўзбекистон ССР Олий Совети 1984 йил учун тасдиқлаган пландан 6,7 процент кўп қилиб белгиланди.

Бюджетнинг даромад қисмини асосан социалистик иктимоий хўжалик тушумлари ҳисобидан таъминлаш планлаштирилмоқда, аҳолидан олинадиган тўловлар атиги 12,2 процентни ташкил қилади.

Бюджет даромадларининг 70 процентга яқини оборот солиғи ва фойда тўловларидан иборат бўлади.

Белгиланган миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришга ва уларнинг турларини кўпайтиришга мувофиқ оборот солиғи 3 миллиард 749 миллион 100 минг сўмни ташкил этади ва 60 миллион 600 минг сўм миқдорида кўпаяди.

Фойдадан тўловлар кўпайиши эътиборга олиниб, 1985 йилда 9,8 процент ортади ва 1 миллиард 524 миллион 700 минг сўмни ташкил этади.

Фойдани бундай кўпайтириш экономика самарадорлигини оширишнинг 1985 йилга мўлжалланган планидан келиб чиқади ҳамда халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқаришни интенсивлашни жадаллаштиришнинг мавжуд резервлари ва имкониятларини максимал равишда сафарбар этишни талаб қилади.

1985 йилги давлат бюджетининг ҳаражатлари асосий соҳалар бўйича қуйидаги миқдорда белгиланади:

халқ хўжалигини пул билан таъминлашга 3 миллиард 684 миллион 100 минг сўм ҳажмида бюджет маблағи кўзда тутилади, корхоналарнинг ўз маблағи ва банкларнинг кредитлари ҳисобига олинадиган бўлса, халқ хўжалигига 7 миллиард 600 миллион сўм ёки 1984 йилга нисбатан 500 миллион сўмдан зиёд кўп пул сарф қилинади.

Иқтисодий рағбатлантириш фондларини ва ўз оборот маблағлари нормативини ошириш мўлжалланмоқда, бу эса меҳнат коллективларининг хўжаликни оқилона юритишдан манфаатдорлигини оширади, юксак пировард натижаларга эришишга ҳамда ўн биринчи беш йилликнинг тугалловчи йили ишлаб чиқариш программаларини тўла ва ошириб бажаришни таъминлашга қизиқтиради.

Саноатни ривожлантиришга 1985 йилда 339 миллион 700 минг сўм ёки бу йилгидан 5,2 процент кўп маблағ кўзда тутилмоқда.

Хўжалик раҳбарлари ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан такомиллаштириш ва интенсивлаш, асбоб-ускуналарнинг иш сменаларини ошириш, иқтисодий тежашни кучайтириш, янги техникани жорий этиш юзасидан катта иш қилишлари лозим.

Аҳолига зарур бўлган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, уларнинг истеъмол хусусиятларини яхшилашга, бу соҳадаги мавжуд камчиликларни тугатишга алоҳида эътибор бериш керак.

Бюджет лойиҳасида агросаноат комплекси тармоқларини жадал ривожлантиришга анчагина ўрин берилган.

Бюджетдаги жами ҳаражатларнинг 20 процентга яқинини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфлаш кўзда тутилган.

Совхозларнинг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг 1985 йил учун белгиланган 358 миллион 800 минг сўмдан иборат деярли ҳамма фойдаси ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва иқтисодий рағбатлантириш фондларини вужудга келтиришга берилади. Шу тариқа қишлоқ хўжалигини моддий жиҳатдан рағбатлантиришни янада кенгайтириш таъминланади.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорларига мувофиқ оз рентабелли ва зарар кўрувчи колхозларга бюджет маблағи ҳисобидан уй-жой, маданий-маиший объектлар ва йўл қурилиши учун 63 миллион сўм ҳамда хўжаликлар тоширадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотига қўшимча ҳақ тўлаш учун 165 миллион сўм миқдорида маблағ ажратиш белгиланган.

Ерларни мелиорациялашни кенг миқёсда ривожлантириш қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг ҳал қилувчи омили эканлиги КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленумида таъкидлаб ўтилди.

1985 йилда мелиорация ишларини ўтказишга 826,4 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган, бу маблағ янги суғориладиган ерларни ўзлаштириш ва мелиорация системаларидан фойдаланишни яхшилаш имконини беради.

Планлаштирилаётган давлат капитал маблағи ҳажмларига биноан **капитал қурилишни пул билан таъминлашга** 3 миллиард 463 миллион 300 минг сўм сарф қилинади, шу маблағнинг 52,6 проценти бюджетдан ажратилади.

Ресурсларни имкон борича марказлаштириш, айни бир вақтда қуриладиган объектлар миқдорини кескин қисқартириш ва чала қолган қурилишларни камайтириш вазифаси қўйилмоқда.

Қурилишдаги ўрнатилмаган асбоб-ускуналар ва бошқа моддий бойликларнинг нормативдан ортиқча запасларини қисқартириш ҳисобига 113 миллион сўм миқдоридаги ички ресурсларни ишга солиш топшириғи белгиланмоқда.

Планда кўзда тутилаётган ўсиш суръатларига биноан, **уй-жой-коммунал хўжалиги, автотранспорт ва алоқага қилинадиган харажатлар** 599 миллион 100 минг сўм миқдорида белгилаш кўзда тутилмоқда.

Шаҳарларни ва район марказларини ободонлаштириш, уй-жой фондини капитал ремонт қилиш, кварталаларни газ ва иссиқ сув билан таъминлаш учун беріладиган маблағлар кўпайтирилади. Бу ишларга 1985 йилда 111,2 миллион сўм ажратиш мўлжалланмоқда.

Аҳолига савдо ва маиший хизматни ривожлантиришга бюджетдан 78,3 миллион сўм ҳажмида маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Хизмат кўрсатишнинг мана шу энг муҳим соҳалари моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, унумсиз харажатларни ва исроф-гарчиликларни қисқартириш, товар ресурсларининг сақланишини таъминлаш ҳамда бу ресурслардан тезроқ ва оқилона фойдаланиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланмоқда.

Ўзбекистон ССР давлат бюджетида социал-маданий тадбирларни пул билан таъминлашга 3 миллиард 937 миллион 800 минг сўм пул ажратиш кўзда тутилмоқда, бу маблағ бюджетдаги ҳамма харажатларнинг салкам 50 процентини ташкил қилади.

Маориф учун бюджетдан 2 миллиард 237 миллион 600 минг сўм пул берилади ёки бу харажатлар 1984 йилга нисбатан 14,3 процент ортади, соғлиқни сақлаш, физкультура ва спортга 901 миллион 800 минг сўм ёки 6,1 процент кўп пул ажратилади.

Социал таъминот, пенсия ҳамда кўп болали ва ёлғиз оналарга бериладиган нафақа харажатлари 798 миллион 500 минг сўм миқдорида, 1984 йилга нисбатан 23 миллион сўм кўп қилиб белгиланган.

Бошқарув органларини сақлашга 93 миллион 400 минг сўм сарфлаш кўзда тутилади, бу маблағ бюджет харажатларининг 1,2 процентини ташкил қилади.

1985 йилда халқ хўжалигини бошқаришни янада яхшилаш, ундаги маъмурий-бошқарув бўғинини соддалаштириш ва қисқартириш ишн давом эттирилади. Бошқарув аппаратини сақлаш харажатларини қисқартириш ҳисобига 20 миллион 200 минг сўм маблағ тежаб қолиш мўлжалланади.

План ва бюджет лойиҳаларида Қорақалпоғистон Автоном Республикасини, областларни ва Тошкент шаҳрини иқтисодий ҳамда социал ривожлантиришга жуда катта эътибор берилади.

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси, областлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг лойиҳалари 1985 йилги давлат бюджетига 3 миллиард 14 миллион 800 минг сўм миқдорида, 1984 йилга нисбатан 14,6 процент кўп қилиб киритилган.

Шу жумладан:

	(миллион сўм)
Қорақалпоғистон АССР	287
Андижон области	233,7
Бухоро области	161,2
Жиззах области	107,7
Қашқадарё области	198,0
Навоий области	81,2
Наманган области	189,9
Самарқанд области	264,2
Сурхондарё области	165,7
Сирдарё области	103,3
Тошкент области	304,0
Фарғона области	294,0
Хоразм области	145,5
Тошкент шаҳри	479,4

Депутат ўртоқлар, 1985 йилги бюджет лойиҳаси билан бирга Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳам Сизларнинг муҳокама қилиб, тасдиқлашингиз учун тақдим этилади.

Республиканинг 1983 йилги бюджети даромадлар бўйича 8 миллиард 278 миллион 593 минг сўм миқдорида ёки 102,2 процент, ҳаражатлар бўйича 8 миллиард 196 миллион 824 минг сўм миқдорида ёки 101,2 процент қилиб бажарилди, даромадлар ҳаражатлардан 81 миллион 769 минг сўм кўп бўлди.

Республиканинг 1985 йилги план ва бюджети лойиҳасида кўзда тутилган топшириқларни амалга ошириш учун ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир ходим юксак масъулият билан ишлаши, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми бутун чоралар билан мустаҳкамланиши, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг барча мавжуд резервлари ва имкониятлари ишга солиниши, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми принципиал кўрсатмалари оғишмай амалга оширилиши лозим.

Ўртоқ Константин Устинович Черненконинг КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумида айтган қуйидаги сўзларини совет кишилари сидқидилдан маъқуллаб қутиб олдилар: «Шу йилнинг қолган ойларида ва беш йилликнинг тугалловчи йилида ҳамма бутун кучғайратини сарфлаб, зарбдорларча меҳнат қилиши, янги беш йилликни дадил бошлаш учун пухта замин яратиши керак».

Депутат ўртоқлар! Республика молия органларининг коллективлари ўз олдиларида турган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бор кучларининг ҳаммасини ишга соладилар, республиканинг 1984 йилги давлат бюджетини ва планлаштирилаётган 1985 йилги бюджетни сифатли бажаришни таъминлайдилар, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ва Сизларни ишонтиришга рухсат этгайсизлар. **(Қарсаклар).**

ХАЛҚ КОНТРОЛИ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Область шаҳар ва районларида халқ контроли активи йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Йиғилишларда халқ назоратчиларининг Бутуниттифоқ кенгаши якунлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кенгашда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинмоқда.

Йиғилишлар Янгийўл, Янгиобод шаҳарлари, Бўстонлиқ, Бўка, Оржоникидзе, Паркент, Тошкент, Чиноз, Янгийўл ва Тошкент шаҳрининг бир қатор районларида бўлиб ўтди.

ЗАВОД МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА 1985 ЙИЛ

ОЛМАЛИҚ сут заводи коллективи тўрт йиллик планини адо этиб, 1985 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Беш йилликнинг ўтган тўрт йили давомида область аҳолисига 18 миллион 40 минг сўмлик сифатли сут маҳсулотлари етказиб берилди. Айниқса, меҳнат унумдорлигини ошириш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи анча ортди. Йил охирига бориб меҳнат унумдорлиги 1980 йилдагига нисбатан 125,9 процентни ташкил этиши кутилмоқда.

Корхонада товар маҳсулоти ишлаб чиқариш пландагига нисбатан 10,4 процентга ошганлиги қувончли ҳолдир. Чунки кейинги йилларда заводга хомашё етказиб бериш бор-йўғи 1 процентга кўпайтирилган, холос. Товар маҳсулотининг қолган миқдори эса тежамкорлик режимига қатъий риоя қилиш орқали тайёрланди.

М. МИРАЛИМОВ.

Спорт

Г. АЪЗАМОВ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

● «Билим» уйида эркаклар ўртасида СССР биринчилиги мусобақалари давом этмоқда. Ўн иккинчи турда ҳамшаҳримиз Георгий Аъзамов ленинградлик А. Петросянни мағлубиятга учратиб, москвалик Б. Гулько билан дуранг қилди.

Ҳозирча уч шахматчи: Г. Аъзамов, С. Лпутян (Ереван) ва Э. Убилава (Тбилиси) 7,5 тадан очко жамғариб пешқадамлик қилмоқдалар. Кеча ўн учинчи тур ўйинлари ўтказилди.

«ТОШКЕНТ ТОНГИ» СОВРИНДОРЛАРИ

● Республика шахматшашка клубида халқаро шашка бўйича «Тошкент тонги-84» анъанавий мусобақаси тугади. Унда бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаган ўн етти ёшлик ригалик Агита Мартододе биринчи ўринни эгаллади. Ундан ярим очко орқада қолган Нижний тагиллик Татьяна Тетерина иккинчи ўринга кўтарилди. Тошкентлик Озода Аҳмедова ҳам муваффақиятли қатнашди. У жаҳон чемпиони, москвалик Елена Михайловская, шунингдек, Надежда Славова (Нижний Тагил), билан бир хил — 9,5 тадан очко тўплаб, кейинги ўринларни бўлишиб олишди.

АРМИЯЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Челябинскда бокс бўйича Қуролли кучлар чемпионати ўтказилди. Унда 18 команда қатнашди. Тоқкистон ҳарбий округи командаси асосан тошкентлик спортчилардан ташкил топди. Тўрт вакилимиз ярим финал ўйинларида қатнашди. В. Лискин ҳамда Н. Пинчуклар чемпионлик шарафига муяссар бўлдилар. Команда ҳисобида армиячилар биринчи ўринни эгаллашди.

ТОШКЕНТ ГАРНИЗОНИ БОШЛИҒИНИНГ БУЙРУҒИ

1984 йил, 28 ноябрь
№ 89 Тошкент шаҳри

Қўшинларнинг 1984 йил 9 декабрь парада тўғрисида

§ 1

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг парадини Тошкент шаҳрида В. И. Ленин номли майдонда 1984 йил 9 декабрда соат 10.00 да ўтказиш белгиланди.

Парадни Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник Н. И. ПОПОВ қабул қилади.

Парадга қўмондонлик қилиш менга буюрилган.

§ 2

Қисм командирлари тасдиқланган расчётга мувофиқ ва белгиланган вақтда линейнийларни юборсинлар ва қўшинларни парадга олиб чиқсинлар.

Кийим формаси — қишлик, саф учун парадлик.

§ 3

Парад ўтказилаётган вақтда, белгиланган тартибга мувофиқ артиллерия салюти берилсин.

§ 4

В. И. Ленин номли майдонда тартиб сақлаш бўйича умумий раҳбарликни Тошкент гарнизони ҳарбий коменданти, полковник Е. П. МОЦАКка юклайман.

Тошкент гарнизони бошлиғи — округ қўшинлари қўмондони ўринбосари, генерал-лейтенант

Г. СТРЕЛЬЦОВ.

ЧОРВА ҚИШЛОВИ «ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

УНУМДОРЛИК, МАҲСУЛДОРЛИК — ШАРОИТГА ЯРАША

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ «КОММУНИЗМ» КОЛХОЗИ ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИ СУТ СОҒУВЧИЛАРИ ВА МОЛБОҚАРЛАРИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ҒАМХЎРЛИК ВА ЯРАТИБ БЕРИЛАЁТГАН ҚУЛАЙЛИКЛАР ҲАҚИДА

ЎША КУНИ фермадаги чорвадорлар хонаси модалар ателъесини эслатарди. Столларга матолардан намуналар қўйилган. Район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг моҳир бичиқчилари ҳар бир сут соғувчига қайси матодан қандай бичимда либос тиктиришни маслаҳат беришарди. Улар танлаган либосларини модалар журналидаги фасонларга қараб ҳам бичтиришлари мумкин эди.

— Буюртмани бажаришни кечиктириб юбормайсизларда,— деди колхоз партия комитетининг секретари Қодиржон Қоражонов бичиқчиларга мурожаат қилар экан, — декабрь ойида чорвадорларимизни Тошкентга концертга олиб боришни режалаб қўйганмиз.

Район маиший хизмат кўрсатиш комбинати бичиқчиларининг бевосита колхоз суттовар фермасига матолар намуналари, модалар журналлари билан келишлари энди одат тусига кириб қолди, дейиш мумкин. Ўтган йили кузда колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Исматов савдо ташкилотларидан илтимос қилиб, сут соғувчиларга пальто тиктириб бериш учун Бельгия матосидан топтириб келган эди. Шу йил баҳорда эса комбинат чеварлари фермада меҳнат қилаётган хотинқизларга нафис ёзлик либослар тикиб беришди.

Шу мисолларнинг ўзигина колхозда чорвадорлар қандай ғамхўрлик билан чулғаб олинганлигини яққол кўрсатиб турибди. Яқиндагина қуриб битказилган чорвадорлар уйида бўлсангиз, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз. Бу шинам, табиий газ билан иситиладиган уй уч хонадан иборат. Хоналарнинг бирида телевизор томоша қилиш, газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишиш, ташвиқотчи ва тарғиботчиларнинг кеча ва суҳбатларини тинглаш мумкин бўлса, бошқасида ишдан бўш пайтда бироз мизғиб олиш ҳам мумкин. Яна бир хона ошхонага мўлжалланган. Бу хоналарнинг ҳаммаси яхши жиҳозланган.

Колхоз правлениеси, партия ва касаба союз ташкилотлари масъулиятли палладаги ишлар тунга улаб меҳнат қилаётган соғувчи ва молбоқарларнинг оғирини енгил қилиш учун бошқа зарур чораларни ҳам кўраётирлар. Фермадан узоқроқда турадиган чорвадорлар ишга махсус ажратилган машинада олиб келинади. Ферманинг ўзида уларга тушликда иссиқ овқат тайёрланади.

Чорва қишлови бошланиши билан бу ерда сут соғувчи ва молбоқарларга асосий иш ҳақларига 15 процент устама мукофот тўланадиган бўлди. Ҳозир чорвадорлар ўртасидаги социалистик мусобақага ҳар беш кунда якун ясаб борилмоқда. Бунда дастлабки уч совринли ўринни эгаллаган сут соғувчи, молбоқар ва бузоқбоқарлар 20—40 сўм миқдорида пул мукофоти ва вимпеллар билан тақдирланадилар.

Социалистик мусобақа ғолибларини маънавий рағбатлантиришга катта эътибор бериляпти. Чорвадорлар уйига киришингиз билан «Ҳурмат тахтаси»га кўзингиз тушади. У ерда колхоз чорвачилигини ривожлантиришга муносиб ҳиссаларини қўшаётган сут соғувчилар Қумри Абдураҳмонова, Гулсара Бердибоева, Салима Чиннжигитова, молбоқар Қорабой Пирмахонов, бузоқбоқар Петр Смирнихларнинг фото суратлари ўрин олган. Бу фидойилар ҳозирги кунларда ҳам чорва маҳсулдорлигини ошириш учун жонбозлик кўрсатаётирлар.

Умуман колхозда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш планларининг муттасил ошириб бажарилишида ферма ходимлари тўғрисида қилинаётган кундалик ғамхўрлик муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ахир меҳнатинг юксак қадрлангандан сўнг янада фидойилик кўрсатиб ишлашга интиласан-да!

Чорвадорларнинг ана шундай ўзгача ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётганликлари учун ўн биринчи беш йиллик тўртинчи йили планлари ҳозирнинг ўзида зиёдаси билан бажарилган. Жумладан, эл дастурхонига пландаги 94 ўрнига 151,8 тонна гўшт, 93 минг дона ўрнига 183,3 минг дона тухум тортиқ қилинди. Фермадаги 410 бош сигирдан ҳам кўп миқдорда сут соғиб олиняпти. Чорвадорлар ҳозиргача қабул пунктларига 1450 тоннага яқин серқаймоқ сут етказиб бердилар. Бу йиллик планда кўзда тутилганидан 130 тонна ортиқдир.

— Қиш кунларида ҳам ҳар куни заводга 4 тоннага яқин сут жўнатяпмиз,— дейди колхоз бош зоотехниги Сафарбой Эрмакбоев.— Бу ҳар бир сигирдан ҳозир ҳам кунига 10 литрдан сут соғиб оляпмиз, деган гап. Яъни сут етиштириш ёздагидан кам бўлмаяпти.

Сутни кўпайтиришда хўжаликда қишлов учун мўлкўл сифатли ем-хашак жамғарилганлиги ҳам катта роль ўйнаяпти. Фермада 1595 тонна беда пичани ғарамланган. Бу йил Мурод Юсупов бошлиқ ем-хашак бригадаси коллективи беда пичанини янги харид қилинган комбайнда майдалаб, сўнг ғарамлади. Бу жамғарилган пичандан тежаб-тергаб фойдаланиш билан бир қаторда унинг тўйимлилик хусуниятларини тўла сақлаб қолиш имконини берди. Шунингдек, бу ерда 812 тонна табиий ўтлар пичани ва somon, 170 тонна ўт уни, 700 тонна лавлаги жамғарилган, 4840 тонна силос бостирилган. 1 октябрдан бошлаб фермадаги озуқа цехи тўла қувват билан ишлаяпти. Бу ҳам ем-хашакдан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишга хизмат қилмоқда.

Қишловни намунали ўтказишда ферма коммунистлари, айниқса, шахсий намуна кўрсатяптилар. КПСС аъзоларидан сут соғувчилар Хатира Ғуломова, Анора Тожиева, Ҳамила Асхўжаевалар сигирлар маҳсулдорлигини муттасил ошириб борайтган бўлсалар, молбоқар Жўра Раҳмедов молларга озуқа ўз вақтида тарқатилиши, молхоналар озода сақланиши учун жонкуярлик қилмоқда.

Ферма цех партия ташкилоти ҳозир чорвадорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб юборган. Агитатор ва сиёсий ахборотчилардан Раҳматилла Зиёев, Эргаш Ориповлар мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатига оид лекциялар ўқиндилар, чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақанинг бориши, моҳир соғувчи ва молбоқарларнинг илғор иш тажрибаси тўғрисида суҳбатлар ўтказадилар. Колхоз бўйича чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш планларининг бажарилиши, сут соғувчилар ўз мажбуриятларини қандай адо этаётганликлари кўрсаткичлар тахтасида қайд этиб борилади. Бу фермада чиқарилаётган «Жанговар варақа»ларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Биз чорвадорлар билан суҳбатлашганимизда улар қиш кунларида ферма ходимларига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан фикр ва мулоҳазаларини ҳам билдирдилар.

Сут соғувчи Қумри АБДУРАҲМОНОВА:

— Қишлоқ матлубот жамиятимиз фермага автолавка юбориб туради. Аммо у мунтазам келиб туради, деб айта олмаймиз. Кўп ҳолларда эса автолавкада чорвадорларимиз учун зарур бўлган кундалик рўзғор буюмларини учратмаймиз. Ҳозирги қишлов кунларида бу нарсаларни Янгийўл шаҳридан харид қилиш учун эса вақт топишимиз қийин.

Сут соғувчи Гулсара БЕРДИЕВА:

— Пахта терими мавсумида район маданият бўлими бадиий ҳаваскорларини тез-тез дала шийпонларида учратиш мумкин эди. Нима учун уларнинг бевосита фермада чорвадорларга маданий хизмат кўрсатишини йўлга қўйиш мумкин эмас? Қуй, қўшиқ сут соғувчи ва молбоқарларимиз кайфиятини янада кўтарган, уларни унумлироқ меҳнат қилишга руҳлантирган бўлар эди.

Чорвадорларнинг бу таклиф-мулоҳазалари жуда ўринли. Район маданият бўлими ва матлубот союзи раҳбарлари буни ҳисобга оладилар, деган умиддамиз.

Э. ЭРНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЁЗДАГИДЕК МЎЛ ВА СЕРҚАЙМОҚ

ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ ЧОРВАДОРЛАРИ ҚИШЛОВНИ ПУХТА ТАШКИЛ ЭТИШГАН

ЧИНОЗ районидаги Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари қишловга ҳар томонлама яхши тайёргарлик кўрдилар. Биринчи галда хўжаликда озуқа базасини мустаҳкамлаш учун курашилди. Бу ишни Пўлат Тешабоев бошчилик қилаётган озуқачилик бригадаси аъзолари амалга оширдилар. 185 гектар беда зорларнинг ҳар гектаридан 216 центнердан хосил йиғиштириб олинди. Энг муҳими улар 6 маротаба ўриб олинди.

— Илгарилари, колхозимизда бедалар тўрт-беш марта ўриларди холос,— дейди П. Тешабоев.— Биз мутахассислар билан маслаҳатлашиб, бедазорларга ишлов бериш ва озиқлантириш муддатларини қисқартирдик. Ҳар ўримдан кейин мунтазам икки марта сув қўйилди. Натижада олтинчи ўримдан ҳам хашак тайёрланди.

Колхозда биргина бедадан эмас, бошқа озуқа экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Шу туфайли 1499 тонна беда пичани, 818 тонна сенаж, 922 тонна табиий ўт пичани, 339 тонна маккажўхори пояси ғарамланди. Хандақларга 1990 тонна сифатли силос бостирилди.

Т. ЎЗГЕНОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

● БОНН. «Крефельд ҳитобномаси»нинг ташаббускорлари ГФРнинг урушга қарши ҳаракат барча қатнашчиларига мурожаат қилиб, уларни Ғарбий Германия ҳукумати позициясига қарши қуролланиш пойгасини жиловлаш, тинчликни ҳимоя қилиш, қуролсизланиш учун курашни активлаштириш манфаатларини кўзлаб, конкрет чоралар кўришга даъват этди.

Урушга қарши ҳаракат қатнашчилари Кёльн шаҳрида бўлиб ўтган ўз мажлисида қабул қилган баёнотида ядро қуролларини кўпайтирмаслик ишонч вазиятини вужудга келтириб, қуролсизланиш юзасидан музокараларни қайта бошлаш учун яхши замин бўлиб хизмат қилган бўлур эди, деб таъкидладилар.

● КОБУЛ. Афғонистон халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал Осиё ва Африка мамлакатлар халқлари бирдамлик ташкилотининг янги халқаро ахборот тартибига бағишланган конференцияси қатнашчиларини қабул қилди. У йиғилиш аҳли ҳузурида нутқ сўзлаб, Афғонистон пойтахтида ўтаётган анжуман аҳамиятига юксак баҳо берди.

● УЛАН-БАТОР. Монголиянинг марказий аймоғидаги «Партизан» давлат хўжалиги коллективи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг асосий турларини давлатга топшириш йиллик планларни муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Пойтахт аҳолисига қўшимча равишда 350 минг литр сут, жуда кўп миқдорда картошка ва сабзавот жўнатилди. Меҳнат аниқ-пухта ташкил қилинганлиги ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг илғор усуллари жорий этилганлиги давлат хўжалиги меҳнаткашлари ютуқларининг гарови бўлди.

● БЕЛГРАД. Қишлоқ хўжалиги соҳасида Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорлик муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Мана бир неча йилдирки, Совет Иттифоқидаги шериклларимиз билан муносабатларимиз самарали ривожланмоқда, деди «Београд» агросаноат комбинатининг раҳбари М. Вельович «Привредни преглед» («иқтисодий обзор») газетасининг мухбири билан суҳбатда. Тузилган битимларга мувофиқ ЮСФРдаги энг катта агросаноат корхонаси СССРга кўчат, уруғлик, турли озиқ-овқат моллари етказиб бериб, Совет Иттифоқидан қишлоқ хўжалик техникаси ва асбоб-ускуналари олмоқда.

● БРАТИСЛАВА. Чехословакияда энг катта бўлган Словакиянинг Черниваг дарёсидаги гидроаккумулятор электр станциясининг қурувчилари ва монтажчилари янги меҳнат ғалабаси тўғрисида рапорт бердилар. Улар станциянинг ҳозирги вақтда қуввати 600 минг киловаттга етган сўнгги, олтинчи блокини фойдаланишга топширдилар. Чехословакия энергетикасининг бу янги мўҳим объекти тиғиз соатларда электр-энергиянинг ортиқча сарфланишини қоплайди. Бундан ташқари объект мамлакат энергия системасига зарар етказмаган ҳолда графикка аниқ-мувофиқ ҳолда ЧССРдаги бошқа электр станциялари агрегатларини жорий ва капитал ремонтга қўйиш имкониятини беради.

«Черни ваг» электр станциясининг ишга туширилганлиги ЧКП XVI съездининг қарорларини, шу еттинчи беш йиллик плани директиваларини амалга ошириш йўлидаги навбатдаги босқични бошлаб берди. Съезд қарорлари ва еттинчи беш йиллик план директиваларига мувофиқ республикада электр энергия ҳосил қилиш 1985 йилда 80—83 миллиард киловатт-соатга етказилиши керак.

(ТАСС).

СЎНГГИ СОАТДА

Редактор Н. НАСИМОВ.

Р — 13952 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1839. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12